

ҚАРОР

2025 йил май ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судьяси Ж.Ж.Саидов, судья ёрдамчиси Д.У.Халимовнинг котиблигида,

Исхаков Рамиз Миразизович (Isxakov Ramiz Mirazizovich) 1964 йил 4 июнда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, Мирзо Улуғбек тумани 18-сон умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси, оиласи билан ажрашган, икки нафар фарзанди бор, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек МФЙ, Робияхоним кўчаси, 6-уй, 26-хонадонда яшовчига

нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан 3-1001-2503/3806-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Р.Исхаков Мирзо Улуғбек тумани 18-сон умумий ўрта таълим мактаби физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлаб келиб, 2024 йил 4 ноябрь кунидан шу мактабнинг 10-синфида ўқийдиган вояга етмаган 2008 йил 18 июлда туғилган С.Алимовага смайл юбориб, 2025 йил 8 февраль куни рус тилида “я тебя люблю” деган мазмунда севги изҳор қилиб, С.Алимованинг синфдошларидан уни гаплашиб юрадиган йигити борлиги тўғрисида суриштириб, бошқа дарсларда ҳам уни кузатиб, вояга етмаган мактаб ўқувчисига нисбатан номақбул бўлган ва унинг шаъни ва қадр қимматини таҳқирлайдиган шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир неча марта содир қилган.

Р.Исхаков судда, Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги 18-сон умумий ўрта таълим мактабида физика фанидан дарс бериб келиши, оиласи йўқлиги, 2 йилдан буён ўқувчиси С.Алимовани кузатиб юргани, ўқувчисини дўстларидан уни ёқтирган йигити бор ёки йўқлигини сўрагани, сабаби агарда йигити бўлса уларни ўртасига киришни хоҳламагани, уни севгани, унга ёмонлик қилишни нияти бўлмагани, уни телефонига смайл юборгани, уни рус тилида сени севаман деб ёзиб у ўқиганидан кейин қоғозни қайтариб олгани, уни ҳеч ким тушунмаслигини, бу бошқача туйғу эканлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

М.Арипова судда, вояга етмаган С.Алимова қизи бўлиши, қизи 18 сон мактабда 10-синфда ўқиб келиши, унинг уч фарзанди бўлиб, Сагдия иккинчи фарзанди эканлиги, 2025 йил 29 апрель куни қизи унга телефон қилиб мактабда шунақа нарсга бўлди деб айтгани, кейин у синф раҳбарига ҳамда мактаб директориға телефон қилгани, директор унга ошиқча гапирса



ёмон бўлишини, уларни ўзлари ҳал қилишларини айтишгани, кечки пайт қизи келганида бўлган воқеаларни унга айтиб бергани, 2024 йилда турмуш ўртоғи вафот этгани сабабли уни қийналмаслиги учун бу гапларни айтмасдан юрганини айтиб, 2024 йил 5 декабрь куни ўқитувчи қизининг дугонаси Ясминани чақириб у билан алоҳида хонага кириб, эшикни ёпиб қизи тўғрисида сўрагани, декабрь ойида яна Ясминани ошхонада кўриб ундан Сагдиянинг йигити бор ёки йўқлиги, уни у билан учраштиришни сўрагани, 2024 йил 4 ноябрь куни қизига смайл юборгани, 2025 йил 8 февраль куни қизига тест қоғозини бериб, ушбу қоғозда номақбул гапларни ёзганини қизи ўқиганидан кейин қайтариб олгани, кейин синфдоши Шахзоддан қизи тўғрисида сўрагани, қизи 8 февраль куни бўлган воқеани 10 февраль куни директорга айтгани, директор ўринбосарига 2 йил илгари ҳам бошқа қиз билан шунақа воқеа бўлганини айтгани, кейин директор қизига “онагга бу ҳақда айтмагин, телефонингда овозини ёзиб ол, кейин чора кўрамиз” деб айтгани, лекин ўқитувчини бўшатиш ва чора кўриш бўйича ҳеч қандай чора кўрмагани, ўқитувчи уни кузатаётганини қизи ва синфдошлари сезиб юришгани, шу орада Шахриёр деган болага ҳам Ясминага айтган гапларни айтгани, лекин Шахриёр тушунмагани, 29 апрель куни Диёр деган синфдош болани чақириб, ундан ҳам қизи тўғрисида, уни йигити бор ёки йўқлиги тўғрисида сўраб, кўнгли борлиги ҳақида айтгани, кейин ИИБ га мурожаат қилгани, Диёр исмли болага “Сагдияга айт мендан кўрқмасин, мен уни яхши кўраман, жиддий режаларим бор, унга уйланмоқчиман” деб гапирганини баён қилиб, суддан ҳуқуқбузарга нисбатан қонуний оғир жазо тайинлашни, уни руҳий касалликлар шифохонасига жойлаштиришни сўради.

Вояга етмаган С.Алимова қонуний вакили иштирокида судда, Мирзо Улуғбек туманида 18-сон умумий ўрта таълим мактабида 10-синфда ўқиши, физика фани ўқитувчиси Р.Исхаков унга шилқимлик қилиб келгани, 2024 йил 4 ноябрь куни унга смайл юборгани, 2024 йил 5 декабрь куни дугонаси Ясминани чақириб у билан алоҳида хонага кириб, эшикни ёпиб у тўғрисида сўрагани, декабрь ойида яна Ясминани ошхонада кўриб уни йигити бор ёки йўқлиги, уни у билан учраштиришни сўрагани, 2025 йил 8 февраль куни тест қоғозини бергани, ушбу қоғозда бўлмағур сўзлар ёзилгани, ушбу ёзувларни ўқиганидан кейин қоғозни қайтариб олгани, кейин синфдоши Шахзоддан у тўғрисида сўрагани, у 8 февраль куни бўлган воқеани 10 февраль куни директорга айтгани, директор ўринбосарига 2 йил илгари ҳам бошқа қиз билан шунақа воқеа бўлганини айтгани, кейин директор унга “онагга бу ҳақда айтмагин, телефонингда овозини ёзиб ол, кейин чора кўрамиз” деб айтгани, ўқитувчи уни кузатаётганини синфдошлари сезиб юришгани, шу орада Шахриёр деган синфдошига ҳам Ясминага айтган гапларни айтгани, лекин Шахриёр тушунмагани, 29 апрель куни Диёр деган синфдош болани чақириб, ундан ҳам у тўғрисида, уни йигити бор ёки йўқлиги тўғрисида сўраб, кўнгли борлиги ҳақида айтгани, кейин у яна директорга мурожаат қилиб, онасига телефон қилгани, мактабга боришга кўрқиб қолганини баён қилиб, ҳуқуқбузарга қонуний чора кўришни сўради.



Суд, Р.Исхаковни мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлиги ишда тўпланган ҳужжатлар, тушунтириш хатлари, жабрланувчининг кўрсатувлари, маъмурий баённома ва судда аниқланган ҳолатлар билан тўлиқ ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, Р.Исхаковнинг “Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш”да ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1 қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Р.Исхаковнига жазо тайинлашда ишдаги оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда уларга нисбатан айбланаётган модда санкцияси доирасида узил-кесил маъмурий қамоқ жазосини тайинлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 июлдаги “Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 535-сонли қарори билан тасдиқланган Маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисида Низомнинг 3-бандига асосан ҳуқуқбузарлардан махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатларни суткасига базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида ундиришни белгилаш лозим бўлади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245, 309, 310-моддаларига риоя қилиб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И

Исхаков Рамиз Миразизович (Zokirov Behzod Azizjonovich) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41¹-моддаси 1-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир қилганликда айбдор деб топилсин ва унга шу модда билан 5 (беш) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 2 май куни соат 18:30 дан бошлаб ҳисоблансин.

Исхаков Рамиз Миразизовичдан маъмурий қамоқда бўлган ҳар бир куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдорида жами 5 сутка учун 281.250 сўм харажатлар Тошкент шаҳар ИИББ Махсус қабулхонаси фойдасига ундирилсин.

Қарор ижросини таъминлаш Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ИИО ФМБга юклатилсин..



Қарордан норози томонлар Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 324³-модда талаблари асосида суд қарорининг кўчирма нусхаси топширилган ёки олинган кундан эътиборан ўн сутка ичида апелляция тартибида шикоят бериши ёки протест келтиришлари мумкин. Қарор қонуний кучга киргандан сўнг тарафлар олти ой муддат ичида кассация тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Ж.Ж.Саидов

нусхаси аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Саидов Жаҳонгир Жамолович, 02.05.2025

